O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2005 йил 6 апрель, № 65 (3610) Чоршанба

САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4 апрель куни давлат ташрифи билан Ҳиндистон Республикасига жўнаб кетди. Сафар олдидан мамлакатимиз раҳбари Тошкент аэропортида журналистларга интервью берди.

— Ҳиндистон бугунги кунда кўплаб соҳаларда жадал ривожланиб, ўз салоҳиятини жаҳонга тобора кенгроқ намоён этаётган давлатлардан, — деди Ислом Каримов. — Бу мамлакат, айниқса, ахборот технологиялари соҳасида ривожланган давлатлар қаторидан жой олган. Биргина 2004 йилда 12,5 миллиард АҚШ долларига тенг ахборот технологиялари маҳсулотини экспорт қилгани бунинг ёрқин далилидир. Ушбу мамлакат сўнгги пайтларда ҳарбий-техника, фазовий тадқиқотлар соҳасида ҳам катта қадамлар ташламоқда.

Ислом Каримов ташрифдан кўзланган мақсадлар хусусида тўхталар экан, Ҳиндистон билан иқтисодий, маданий ва таълим соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш Ўзбекистон учун жуда муҳимлигини қайд этди.

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини қиркдан ортиқ ҳужжат ташкил этади.

Юртимизда ҳиндистонлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган ўттиздан зиёд қўшма корхона фаолият юритмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2004 йилнинг ўн бир ойида 121 миллион долларга тенг бўлди.



Президентимизнинг Ҳиндистонга давлат ташрифи давомида бўлиб ўтадиган олий даражадаги учрашувлар ва имзоланажак ҳужжатлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Ф.АРЗИЕВ,
ЎзА мухбири.

***

ДЕҲЛИ, 5 апрель. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади). Ҳиндистон Республикасига давлат ташрифи билан келган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни Деҳли марказидаги "Раштрапати Бхаван" майдонида расмий кутиб олиш маросими бўлди. Икки давлат байроқлари кўтарилиб, мадҳиялари янгради. Ислом Каримов шарафига фахрий қоровул саф тортди.

Давлатимиз раҳбари ҳинд халқи мустақиллигининг асосчиси Маҳатма Ганди хотирасига бунёд этилган ёдгорлик мажмуига ташриф буюриб, унинг ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президент Ислом Каримов "Ҳайдаробод саройи"да Ҳиндистон Бош вазири Манмохан Сингх билан учрашди. Суҳбат чоғида икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга оид масалалар, долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар муҳокама этилди.

Ислом Каримов ва Манмохан Сингх раҳбарлигидаги Ўзбекистон ва Ҳиндистон расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари диққат марказида бўлди. Томонлар ўзаро алоқаларнинг бугунги аҳволини таҳлил этиб, истиқболдаги устувор йўналишларни белгилаб олди. Ҳамкорликнинг янги имкониятлари кўриб чиқилиб, икки томонлама манфаатли, самарали соҳаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида Қўшма баёнот қабул қилинди. Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, таълим, маданият соҳаларида ҳамкорлик бўйича ҳужжатлар имзоланди. Шунингдек, мудофаа вазирликлари, савдо-саноат палаталари, банклар, ташқи иқтисодий алоқаларни мувофиқлаштирувчи ва сайёҳлик ташкилотлари ҳамда қатор олий ўқув юртлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатларга имзо чекилди.

Президент Ислом Каримов "Раштрапати Бхаван" қароргоҳида Ҳиндистон Президенти Абдул Қалам билан учрашди. Ўзбекистон ва Ҳиндистон раҳбарлари икки томонлама муносабатларга доир масалаларни муҳокама этдилар.

Давлатимиз раҳбари ўзи учун ажратилган "Тож Маҳал" қароргоҳида Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар вазири Натвар Сингхни қабул қилди. Учрашувда мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорлигига, халқаро ва минтақавий муаммоларга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ислом Каримов Ҳиндистон мудофаа вазири Пранаб Мукержини қабул қилди. Суҳбатда ўзаро ҳарбий-техникавий ҳамкорлик, аксилтеррор ҳаракатлар юзасидан тажриба ва ахборот алмашиш масалаларига эътибор қаратилди.

Президентимизнинг Ҳиндистон савдо ва саноат вазири Камол Нат билан мулоқотида эса мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, қўшма лойиҳалар тайёрлаш ва амалга ошириш имкониятлари кўриб чиқилди.

Ислом Каримов Ҳиндистон вице-президенти Бхайрон Сингх Шекхават билан ҳам учрашди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг сиёсий соҳадаги ҳамкорлигига, парламентлараро алоқаларга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ҳиндистон Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ
олган сурат.

Банкдаги омонатингиз кафолати

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 2002 йил апрель ойида "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги Қонунни қабул қилганидан хабардорсиз. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 сентябрдаги 326-қарорига биноан эса, Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди ташкил этилган.

Хўш, ушбу фоннинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат? Ўтган уч йил давомида бу борада қандай натижаларга эришилди? Мухбиримиз фонд ижроия директори Ўткир НИҒМАТОВ билан шу хусусда суҳбатлашди.

Қарор ва ижро

— Аввало, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, банк тизимидаги ислоҳотлар республикамизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ажралмас қисми ҳисобланади, — деди Ўткир Убайдуллаевич. — Тасаввур қилинг: омонатчиларнинг банкларга ишончини кучайтирмасдан, уларнинг манфаатини ҳимоялаш тизимини ташкил этмасдан туриб, молиявий муассасаларнинг барқарорлигини таъминлаш, улар билан иқтисодиётнинг реал сектори ўртасидаги муносабатни мустаҳкамлаш мумкинми?

Шу маънода, Ўзбекистон Республикасининг тегишли Қонуни қабул қилингани айни муддао бўлди. У амалда мамлакатимиз аҳолиси омонатларини ҳимоялаш ва кафолатлаш тизимининг ҳуқуқий асосидир.

Энди Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фондига тўхталсак, у Қонуннинг ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган. Фоннинг асосий вазифаси Кафолатлаш жамғармасини шакллантириш ва банкнинг банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан чақириб олинган тақдирда, фуқароларга уларнинг банклардаги омонатлари бўйича ҳақ тўланишини кафолатлашдан иборат.

Шу мақсадда биз ўтган даврда республикамизда фаолият кўрсатаётган барча тижорат банклари билан ёзма битим тузиб, уларни фонд реестрига киритдик. Банклар томонидан фондга тўланиши лозим бўлган бадал миқдорини белгилаб, тушумлар ҳисобига Кафолатлаш жамғармасини шакллантирдик. Шу тариқа фуқароларнинг банклардаги омонатлари фонд томонидан Қонунда белгиланган шартлар ва миқдорда кафолатланишига эришдик.

— Фонд томонидан Кафолатлаш жамғармаси шакллантирилди, дедингиз. Ушбу жамғарма қандай маблағ ҳисобига шакллантирилгани хусусида батафсилроқ тушунча бериб ўтсангиз. Қолаверса, жамғарма маблағи кафолатлаш ҳолати юзага келгунга қадар бирон-бир мақсадга ишлатиладими ёки фонд ҳисобварағида сақланадими?

— Фонд маблағлари аъзо банклар томонидан ҳар чоракда аҳоли омонатлари қолдиқларининг 0,5 фоизи миқдорида ўтказиб бериладиган бадаллар ва уларни инвестициялашдан олинган даромад ҳисобига шакллантирилади. Банклар томонидан бадал тўлаш эса омонатлар миқдорининг 5 фоизига етганда тўхтатилади.

Бугунги кунгача аъзо банклар фондга 7335 млн. сўм маблағ ўтказдилар. Биз фондга тушган ана шу маблағ ҳисобига Кафолатлаш жамғармасини шакллантиришдан ташқари уларни юқори ликвидли қимматли қоғозларга инвестициялаш йўли билан даромад олиб, фонд жамғармасини кўпайтириб бораяпмиз.

Гап шундаки, Қонунда фонд маблағларни қайси қимматли қоғозларга инвестиция қилиши аниқ белгилаб берилган. Шунга кўра, бизнинг маблағларимиз асосан Молия вазирлиги ва Марказий банк облигацияларига инвестиция қилинган бўлиб, ҳозирда жами инвестиция портфелимиз ва жамғарма фондимиз 8000 млн. сўмдан ошиб кетди.

(Давоми 2-бетда).

ҲАМКОРЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида Савдо ва сармоялар бўйича Ўзбекистон-Германия ишчи гуруҳининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон савдо-саноат доиралари ҳамда Германия Федератив Республикаси (ГФР) Иқтисодиёт ва меҳнат федерал вазирлиги давлат котиби Берндт Пфаффенбах раҳбарлигидаги ГФРнинг Шарқий ва Марказий Европа уюшмаси вакилларидан иборат делегация иштирок этди.

Йиғилишда ишчи гуруҳ ҳамраислари — Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Вячеслав Голишчев ва Берндт Пфаффенбах мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама савдо ва сармоявий ҳамкорликнинг самарали кечаётганини, уни янада кенгайтириш учун кўплаб имкониятлар мавжуд эканини таъкидлади. Бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш юзасидан келишиб олинди.

Халқаро бизнес марказида ГФР делегацияси вакиллари иштирокида иқтисодий форум ҳам бўлиб ўтди. Унда меҳмонлар Ўзбекистонда иқтисодий ва сармоявий муҳитни янада ривожлантириш, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусийлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида батафсил маълумот олиш имконига эга бўлдилар.

Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришда банклар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси Ўзбекистон Марказий банки ва тижорат банклари билан ҳамкорликда ташкил этди.

Мазкур қўмита раиси А.Аҳадов бошқарган йиғилишда мамлакатимизда банк тизимини ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Банк тизимида иқтисодиётнинг реал секторидаги жараёнларни ўзида акс эттирувчи сифат ўзгаришлари яққол намоён бўла бошлади. Иқтисодиётнинг барқарорлашуви банкларда омонатларнинг барқарор ўсиши, тижорат банклари кўрсатаётган хизматлар кўламининг кенгайишида муҳим омил бўлаётир.

Тадбирда банк тизимининг қонунчилик асосларини такомиллаштириш, банкларнинг иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришдаги ўрни, иқтисодиёт тармоқларини кредитлаш ва микрокредитлаш, шунингдек, Марказий банкнинг пул-кредит ҳамда валюта сиёсати, кредитлар ва депозитлар бўйича фоизларни шакллантириш, уларга таъсир қилувчи омиллар хусусидаги маърузалар тингланди.

Т.БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

Жойлардан хабарлар

Ижодкордан боғ қолади

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ташкил топганлигининг бир йиллиги ҳамда «Сиҳат-саломатлик йили» муносабати билан Жиззах вилоятидаги ижодий жамоалар ўртасида мини футбол мусобақалари бўлиб ўтди. Уюшманинг вилоят бўлими ташаббуси билан уюштирилган бу беллашувларда барча ўйинларда ғалаба қозонган вилоят телерадиокомпаниясининг «Экран» жамоаси ғолиб чиқди.

Мусобақалар якунланган, жамоалар аъзолари Жиззах туманининг Қорасой қишлоғида барпо этилаётган «Журналистлар боғи»да мевали кўчатлар ўтказдилар.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қишлоқ мактабига янги бино

Пайариқ туманидаги 99-мактаб янги бинога кўчиб ўтди.

Қурилишга Пиримқул Нурмонов номли фермер хўжалиги ҳисобидан 15 миллион сўм, бюджет маблағларидан 9 миллион сўм сарфланди. Девори қишлоғи аҳолиси ва бошқа ҳомийлар ҳам мактаб қуришдек саховатли ишдан четда қолишмади. Мактабга, шунингдек, ҳомийлар компьютерлар, бошқа жиҳозлар ҳам совға қилишди.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Шиша толали кабеллар мўъжизаси

Японияннинг JBIC лойиҳасига мувофиқ, Андижон вилоятида 273 километр масофага шиша толали кабель ётқизилди. Натижада корхона ва ташкилотлар, ўқув юртлари, идоралар, ҳатто хусусий тармоқларнинг интернет тармоғига уланишлари, компьютердан янада самарали фойдаланишлари учун кенг имкониятлар яратилди.

Натижада кейинги бир йилнинг ўзида «Интернет — кафе», «Интернет — клуб», «Интернет — провайдер»лар, компьютер марказлари сони қарийб икки баробар кўпайди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон халқаро ярмаркада

Германиянинг Берлин шаҳрида «1-ТВ-Берлин — 2005» халқаро туристик ярмаркаси бўлиб ўтди. Халқаро миқёсда ўтказиб келинаётган мазкур ярмаркада бир неча йилдан буён «Ўзбектуризм» миллий компанияси делегацияси ҳам иштирок этиб келмоқда.

Ярмаркани ўтказишдан мақсад дунё сайёҳлик вакилларини бир жойга тўплаш, уларни туризм соҳасидаги янгиликлар билан таништириш, шунингдек, манфаатли ҳамкорлик шартномаларини имзолашдан иборатдир.

«1-ТВ-Берлин — 2005» кунларида «Ўзбекистонда туризм» мавзуига бағишланган тақдимот маросимлари ўтказилди.

Ўз мухбиримиз.

Янгиерда варрак байрами

Варрак учириш ўйинининг тарихи минг йилларга бориб тақалади. Наврўз байрамларида, тўй-тўйчиқларда, айниқса, кўклам ва ёз ойларида бу ўйин болалар томонидан суюб ўйналади.

Вилоят «Камалақ» болалар ташкилотининг ташаббуси билан Янгиер шаҳрида халқимизнинг ана шундай қадрияти ҳисобланмиш варрак учириш мусобақаси уюштирилди. Бу тадбирда мактаб ўқувчилари ўзлари ясаб келган турфа варракларни осмонга учирдилар. Мусобақа якунига кўра, Янгиер шаҳри болалари биринчи, Гулистон шаҳри жамоаси иккинчи, сирдарёликлар эса учинчи ўринни қўлга киритдилар.

— Бундай мусобақани ўтказишдан асосий мақсад мукаддас қадриятларимизни тиклашдан иборат, — дейди вилоят «Камалак» болалар ташкилоти раиси Қувондиқ Муқимов. — Эндиликда варрак учириш мусобақаси анъанавий тус олади.

Аликул ХОНИМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Жаҳон 24 соат ичида

Пулитцер совриндорлари

Журналистика соҳасидаги энг нуфузли мукофот бўлмиш «Пулитцер-2005» совриндорлари номи эълон қилинди. Reuters ахборот агентлиги хабарига кўра, Los Angeles Times газетаси журналистлари бу йил ҳам «Жамият йўлидаги хизматлари учун» номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритдилар. Улар терроризмга қарши кураш мавзусида тайёрлаган туркум мақолалари учун «Энг яхши халқаро репортаж» номинацияси бўйича ҳам биринчи ўринни олдилар. Бундан ташқари, Wall Street Journal газетаси, New York Times газетаси, воқеа жойидан олинган энг яхши янгиликлар ва фоторепортажлар учун Associated Press ахборот агентлиги журналистлари ҳам юксак мукофот билан тақдирланди.

Кутилган натижа

Молдова парламенти мамлакат Президенти Владимир Воронинни ушбу лавозимга қайта сайлади, дейилади РИА «Новости» хабарида. Мазкур қарорни ёқлаб 75 нафар депутат овоз берган. Президентликка иккинчи номзод – Георгий Дуку битта овоз олган, холос. В.Ворониннинг қайта сайланиши аввалдан кутилган эди. Чунки унинг номзодини қўллаб-қувватлаётган Молдова коммунистик партияси парламент сайловларида ғолиб чиқиб, 101 ўриндан 56 тасини эгаллаганди. Маълумки, Молдовада Президент мамлакатнинг олий қонун чиқарувчи органи томонидан сайланади.

Адолат учун курашчи эди

Рим папаси Иоаан Павел II вафот этди. У анча пайтдан буён хаста эди. Шу йил 2 апрель куни Римнинг Авлиё Пётр майдонига тўпланган юз минглаб одамлар олдида Ватикан вакили папанинг юраги уришдан тўхтаганини маълум қилди.

Иоаан Павел II XX асрнинг энг йирик диний ва сиёсий арбоби сифатида тарихда қолади. У шу йил 8 апрель, жума куни Авлиё Пётр соборининг ер ости хилхонасига бошқа понтификлар қаторига дафн этилади.

Католикларнинг асосий базиликаси уч кечаю уч кундуз папа билан хайрлашувчилар учун очиқ бўлади. Дафн маросимига икки юзга яқин давлат ва ҳукумат раҳбарлари келиши кутилаяпти. Италия телевидениесининг таъкидлашича, шу кунгача бўлган ҳеч бир тадбирда бунчалик кўп давлат ва ҳукумат арбоблари қатнашмаган. Иоаан Павел II билан хайрлашиш учун бутун дунёдан икки миллионга яқин диндорлар ҳам келиши мумкин. Рим шунча меҳмонни ўз бағрига сиғдира оладими? Италия Вазирлар Кенгаши ва Рим шаҳри мэрияси ҳозир шу масалани ҳал этиш билан банд. Мамлакат фавқулодда вазиятлар хизмати раҳбари Гуидо Бертолаза бошчилигида фавқулодда комиссариат тузилди.

(Давоми 3-бетда).

Банкдаги омонатингиз кафолати

(Давоми. Боши 1-бетда).

Инвестиция фаолиятимиз ҳамма учун, шу жумладан, омонатчиларга ҳам очиқ бўлиб, улар фонд маблағлари бус-бутун сақланаётганига ва кафолатлаш тизими ўз мажбуриятини ҳар доим бажаришига ишонч ҳосил қилишлари мумкин.

— Фонд маблағлари ҳисобидан кафолатланган омонатлар бўйича ҳақ тўлаш миқдори қанча? У нимага асосланиб белгиланган? Бу миқдор ўзгариши мумкинми?

— Барча мамлакатларда кафолатлаш тизимининг эътибори омонатларни тўлиқ кафолатлашга эмас, балки аксарият омонатчиларни ҳимоя қилишга қаратилади. Кафолатлаш миқдори ҳам уларда турлича. Бошқача айтганда, кафолатлаш миқдори ҳар бир давлатдаги мавжуд шарт-шароит, авваламбор, иқтисодий ривожланиши ва аҳолининг турмуш даражаси, омонатларнинг таркиби ва миқдорига боғлиқ.

Бизда эса кафолатлаш миқдори республикамиздаги мавжуд энг кам ойлик иш ҳақига қараб белгиланади. Мисол учун, агарда банкнинг лицензияси чақириб олинган кундаги ҳолатга кўра, омонат қолдиғи белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баробари миқдорида бўлса, омонатчининг омонати фонд томонидан тўлиқ ҳажмда тўлаб берилади. Борди-ю, омонат миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баробари миқдоридан ортиқ бўлса, ана шу ортиқ қисмининг 90 фоизи, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг 250 баробари миқдоридан зиёд бўлмаган суммада тўланади.

Албатта, республикамизда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг миқдори ошса, кафолатлаш ҳажми ҳам ортади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 1 июлдаги "2004 йил 1 августдан иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, энг кам ойлик иш ҳақи 6530 сўм этиб белгиланган. Бу кафолатлаш ҳажмининг 272500 сўм ортишига олиб келди. Айни чоғда у 1632500 сўмни ташкил этмоқда. Айтиш лозимки, бу миқдор 85-90 фоиз омонатчиларнинг маблағини тўлиқ ҳимоя қила олади.

Бундан ташқари, кафолатлаш миқдорининг ўзгариши республикамизда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулот, аҳоли реал даромадлари ва турмуш даражасининг ўсишига ҳам боғлиқ. Айтайлик, 2004 йил якунига кўра, мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот 7,7 фоизга, аҳолининг реал пул даромадлари 15 фоизга, омонатлар ҳажми 31,8 фоизга ўсган. Бу кўрсаткичларнинг ўсиши, юқорида айтганимиздек, кафолатлаш миқдорининг ҳам 17 фоиз ўсишига асос бўлди.

— Фуқароларнинг банклардаги барча омонатлари фонд томонидан кафолатланганми? Ёки фақатгина банк фондга аъзо бўлганидан кейин унга қўйилган омонатлар кафолатланадими? Омонатларни кафолатлаш эса фуқароларнинг қўшимча сарф-харажат қилишларига олиб келмайдими?

— Барча омонатлар, банк кафолатлаш тизимига аъзо бўлганидан аввал ёки ундан сўнг қўйилганидан қатъи назар, кафолатланади. Шу билан бирга, Қонунга мувофиқ, баъзи омонатлар кафолатлаш объекти бўла олмайди. Булар тақдим этувчига тўланадиган, гаров сифатида қўйилган ва банклар ишончли бошқарувига топширилган омонатлардир.

Банкларнинг фондга тўлаган аъзолик бадаллари уларнинг умумий харажатига киритилади, шу боис бу аҳолининг қўшимча тўловлар тўлашига олиб келмайди.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, мавжуд тижорат банклари жамғармани сақлаш ва ҳисоб-китобларда қўллаш учун ўзлари чиқарган пластик карточкаларни аҳолига таклиф қилмоқда. Айтинг-чи, ана шу пластик карточкалардаги маблағлар ҳам фонд томонидан кафолатланадими?

— Биласизми, ривожланган мамлакатларда аҳоли ўртасида жамғармаларни сақлаш ва тўловларни амалга оширишда банкларнинг пластик карточкалари кенг қўлланилади. Уларнинг қулайлиги шундаки, фуқаро ўзи билан нақд пул олиб юрмайди, барча савдо, маиший хизмат шохобчалари ва транспорт воситаларида ушбу карточкалар орқали ҳисоб-китоб қилади. Карточка йўқотиб қўйилган тақдирда, уни топиб олган шахс ундан фойдалана олмайди. Чунки ҳар бир пластик карточка эгасининг шахсий коди бўлиб, уни эгасидан бошқа ҳеч ким билмайди. Бундан ташқари, карточкадаги маблағ қолдиғига банклар фоиз тарзида даромад ҳам тўлайди.

Банк пластик карточкаларининг республикамизда жорий этилиши ҳам аҳолига ушбу қулайликлардан фойдаланиш имконини беради, албатта. Муҳими, аҳолининг пластик карточкаларда сақланаётган пул маблағлари, миллий ёки хорижий валютада бўлишидан қатъи назар, фонд томонидан кафолатланади.

— Республикамизда фаолият кўрсатаётган хорижий сармоя иштирокидаги банклар ҳам фондга аъзоми? Яъни, чет эл валютасидаги омонатлар ҳам кафолатланганми?

— Албатта. Чет эл сармояси иштирокидаги банклар ҳам фондга аъзо бўлиб, нафақат улардаги, балки барча банклардаги хорижий валюталардаги омонатлар ҳам кафолатлангандир.

— Банк тўлов қобилиятини йўқотганида, омонатчи ундаги ўз маблағини олиш учун кимга мурожаат қилиши лозим? Бунинг учун қандай ҳужжатларни тақдим этиши шарт?

— Авваламбор, тўлов қобилиятини йўқотган банкни тугатиш ҳақида матбуотда эълон берилиб, тугатиш комиссияси тузилади. Бу комиссия биринчи навбатда белгиланган тартибда аҳоли омонатларини тўлай бошлайди. Шу мақсадда фондга мурожаат қилади.

Тугатиш комиссияси эса қонунчиликда белгиланган муддат (икки ой) ичида кредиторларга талаб қўйиши, ундан сўнг ўн кун ичида омонатлар бўйича мажбуриятлар ва фонд маблағларига бўлган эҳтиёж тўғрисида ҳисоб-китобларни тақдим этиши шарт.

Фонд оралиқ тугатиш балансини олган кундан бошлаб уч кун муддат ичида фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлаш тартиби, муддатлари ва тўловни амалга оширадиган агент-банкнинг номи тўғрисидаги хабарни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади. Матбуотда эълон чиққан кундан бошлаб ўн кун ичида эса фонд фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлашга киришади. Ҳақ тўлаш эса Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг розилиги билан, фонд томонидан белгиланган агент-банк орқали амалга оширилади.

Омонатчига келсак, у ўз омонати бўйича ҳақ олиш учун мазкур агент-банкка мурожаат қилиб, ўзининг омонати борлигини ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этади. Шундан кейингина фуқароларнинг банклардаги омонатлари бўйича ҳақ омонатчиларнинг қонуний вакилларига ёки уларнинг ҳуқуқий ворисларига тўланади.

— Ниҳоят, сўнгги савол. Банкларнинг фондга аъзо бўлишидан оддий омонатчилар қанчалик наф кўрадилар?

— Лўнда қилиб айтганда, банкларнинг фондга аъзо бўлиши оддий омонатчининг ўз жамғармасига даромад қўшиши ва тўлиқ сақланишига бўлган ишончни мустаҳкамлайди, мабодо банк тўлов қобилиятини йўқотган тақдирда, унда маблағ бор-йўқлигидан қатъи назар, Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди маблағи ҳисобидан ўз пулларини олиш имконини берди.

— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!

Икром ЎТБОСАРОВ суҳбатлашди.

«Medicina Uzbekistan — 2005»

ҲАМ КЎРГАЗМА, ҲАМ МАЪРУЗА

Бугунги кунда мамлакатимизнинг дори-дармон ишлаб чиқариш салоҳияти тобора юксалиб бораяпти. Айниқса, мустақилликнинг дастлабки йилларида ҳукуматимизнинг тиббиёт соҳасини ривожлантиришга оид қабул қилинган бир қатор ҳужжатлари мазкур соҳада туб бурилиш ясади, десак муболаға бўлмайди.

Кеча пойтахтимиздаги «ЎзЭкспомарказ»нинг марказий павильонида ўнинчи бор ўтказилаётган «Medicina Uzbekistan — 2005», шунингдек илк бор ташкил этилаётган «Stomatology Uzbekistan — 2005» халқаро кўргазмаси ва стоматологларнинг биринчи форуми ҳам ана шу эътиборнинг натижасидир.

— Бу йилги кўргазманинг аввалгиларидан фарқи шундаки, иштирокчиларнинг сафи ўтган йиллардагига қараганда сезиларли даражада кенгайди, тиббиётдаги энг сўнгги ютуқлар қамраб олинди, — дейди республика соғлиқни сақлаш вазири Ф. Назиров. — Ҳар йили стоматология бўйича кўргазма бевосита тиббиёт кўргазмаси доирасида ташкил этилар эди. Ҳар йилдагидан фарқли ўлароқ, бу йил стоматология бўйича кўргазма алоҳида уюштирилди.

Эътироф этиш керакки, ҳозирга қадар ўтказилган бундай анжуманларга қиркдан зиёд мамлакатнинг тиббиёт билан шуғулланувчи 770 дан зиёд фирма ва компаниялари иштирок этганди. Бу йилги юбилей кўргазмасида эса Франция, Германия, Исроил сингари йигирмата мамлакатнинг юздан ортиқ йирик фирма ва компаниялари ўз маҳсулотлари — дори-дармонлар, тиббиёт асбоб-ускуналари, замонавий ташхис ва лаборатория воситалари, жарроҳлик асбоблари ва бошқа маҳсулотлари билан иштирок этишмоқда.

Кўргазманинг очилиш маросимида мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди. Унда сўзга чиққан ITE Croup Plc Халқаро кўргазмалар компанияси директорлар кенгаши раиси Иен Патер жаноблари ушбу тадбирларнинг халқаро аҳамиятига алоҳида тўхталиб, мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотларга ижобий баҳо берди. Уч кун давом этадиган ушбу анжуман мамлакатимизнинг бу соҳадаги салоҳияти ва имкониятларини намойиш этишда муҳим омил ҳисобланади.Тадбирнинг яна бир эътиборли томони шуки, қатнашчилар юртимиз олимлари билан бир қаторда Россия, Исроил ва Польша мамлакатларидан келган тажрибали мутахассисларнинг маърузаларини тинглайдилар, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб оладилар.

Маросимда республика Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Иномова иштирок этди.



Мавжуда ХОЛМАТОВА, «Халқ сўзи» мухбири.
СУРАТДА: халқаро кўргазмадан лавҳалар. Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

"Халқ сўзи" назоратида

Мақола чоп этилгач...

"Шўр босган далалар" ("Халқ сўзи", 2005 йил 4 февраль) сарлавҳали мақолада таъкидланганидек, "ери унумдор, суви бисёр бўлган" Наманган вилоятида кейинги йилларда давлатга пахта сотиш бўйича шартнома режалари бажарилмади. Бунга айрим туманлардаги ер майдонларининг кўп қисми шўрланган сабаб бўлди. Бу офатни бартараф этиш борасида вилоятда қандай ишлар олиб бориляпти?

Мазкур мақола юзасидан таҳририятга Наманган вилояти ҳокимлиги ҳамда вилоят прокуратурасидан расмий жавоблар келди.

"Ҳақиқатан ҳам, мақолада таъкидланганидек, Мингбулоқ ва Поп туманларида кейинги йилларда ирригация тармоқларини тозалаш, ерларни соғломлаштириш ишларига эътибор сусайганлиги оқибатида ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашган. Натижада олинадиган ҳосил йилдан-йилга камайиб, пахта хомашёси етказиб бериш бўйича тузилган шартномалар бажарилмаган. Шуларни инобатга олиб, вилоятда 2004-2005 йилларда кузги-қишки тадбирлар режасида шўрланган майдонлар ҳолатини яхшилаш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Шўр ювишни ташкил этиш бўйича муддатли графиклар тузилди. Бу муҳим тадбирни тезлатиш ва сифатли бажариш мақсадида бошқа туманлар сув хўжалиги тизимидаги ходимлардан 640 нафари хизмат сафарига юборилди.

Вилоят ҳокимлиги ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш учун амалга оширилиши зарур бўлган барча агротехника тадбирларининг белгиланган муддатларда бажарилишини назоратга олган.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари А.ФОЗИЛОВ".

"Мақолада кўрсатилган танқидий ҳолатлар вилоят миқёсида, хусусан, Мингбулоқ ва Поп туманлари бўйича алоҳида ўрганиб чиқилди. Наманган вилоятида 33000 гектар майдон шўрланиб, бу ҳолат кейинги йилларда 13 фоизга ошган. Мингбулоқ ва Поп туманларида ирригация-мелиорация тадбирлари, ерларни соғломлаштириш масаласига эътибор сусайган. Ўтган йил давомида вилоят прокуратураси томонидан мунтазам ўтказилган текшириш ва таҳлиллар натижасида қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан айбдор шахсларга нисбатан тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган.

Эндиликда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Мингбулоқ ва Поп туманларида шўр ювиш ва зовур тозалаш тадбирларига 1056 нафардан ортиқ мутахассислардан иборат ишчи кучи жалб этилди.

Кузги-қишки агротехника тадбирларини амалга оширишда бепарволикка йўл қўяётган Поп тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ғ.Файзуллаев, Қорақалпоқ-Сирдарё мелиоратив тизими бошлиғи О.Бўриевларга нисбатан интизомий жавобгарликка оид иш қўзғатилди. Айрим мутасадди раҳбарлар огоҳлантирилди.

Вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия маслаҳатчиси Ж.НИЗАМОВ".

Институтда Америка бурчаги

Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги элчихонаси билан Жиззах давлат педагогика институти қошидаги «Жиззах-Аллома» тил маркази лойиҳаси асосида институтда Америка бурчаги ташкил этилди.

Бурчак аудио-видео техникалар, компьютерлар билан таъминланган. Айни пайтда у ерда турли соҳаларга оид инглиз тилида чоп этилган мингга яқин китоб бор.

Яна у ерда тил ўргатиш, нотиқлик санъатидан билим бериш билан бирга, турли маданий, илмий тадбирлар уюштирилади. Ўзбекистон ва Америка халқларининг миллий байрамларини нишонлаш йўлга қўйилади. Ҳар икки мамлакат ҳаёти, тараққиётига оид янги, тарихий китоблар, кинофильмлар тақдимотлари ўтказилади.

Ўзига хос кутубхонанинг очилиш маросимига АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси Жон Пурнелл ташриф буюрди. Элчи Америка бурчагида намойиш этилган дастлабки маданий тадбирлар иштирокчиси бўлганидан мамнунлигини изҳор этди. Вилоят ҳокими У. Яманқулов элчихонанинг вилоятга бўлган эътиборидан миннатдорлигини айтиб, Америка бурчаги фаолиятига муваффақиятлар тилади.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Фарзандингман, жон Ватан!

Урганч шаҳрида вилоят иқтидорли ногирон болаларнинг «Фарзандингман, жон Ватан» деб номланган кўрик-танлови ўтказилди. Бешинчи бор ўтказилаётган ушбу танлов вилоятда иқтидорли ногирон болаларни излаб топиш, уларни қўллаб-қувватлашда қўл келмоқда, йилдан-йилга янги истеъдодли болаларни кашф этмоқда.

Танловда 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган имкониятлари чекланган иқтидорли болалар иштирок этди. Ушбу тадбир вилоят ҳокимлиги, прокуратураси, ногирон болаларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими, халқ таълими бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилди. Тадбирга нодавлат нотижорат ташкилотлари, корхоналар, саховатли кишилар ҳомийлик қилдилар.

Тадбирда рассомчилик йўналиши бўйича ғолиб бўлган болалар Халқаро ногирон болаларнинг «Мафтункор ранглар дунёси» кўрик-танловида иштирок этиш имкониятига эга бўлдилар. Танлов ғолиблари қимматбаҳо совғалар ва дипломлар билан тақдирландилар.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Инсон ва қонун

ХАТО

Прокурорнинг пўк даъво аризаси ва унга судьяларнинг бемулоҳаза «лаббайчи»лиги натижаси ўлароқ, фуқаронинг дарвозаю деворига қўшиб 20 йиллик яшаб турган уйи ҳам бузиб ташланди. Орадан ўтган икки ярим йил сарсонликдан сўнг уйнинг қонуний, даъво ариза ва суд қарорларининг ноқонуний экани суд томонидан исботланди!

Кейинги чорак аср мобайнида журналистик фаолиятимда ариза ва шикоятлар билан шуғулланиб, юзлаб одамлар билан суҳбатлашиб, беҳисоб воқеа-ҳодисаларнинг «ичи»га кириб, кў-ўп тарихларни тинглаб, очиғи, ҳали бунақасига дуч келмаган эдим. Эзилиб кетдим. Бузиб ташланган вайрона уйга туташ ҳовлидаги дарахтнинг соясида уч-тўрт соатга чўзилган фожиавий ҳикоя, уни тасдиқловчи тахлам-тахлам қоғозҳужжатлар қоп-қора тоғдек елкадан босиб, ерга киргизиб юборгудек оғир таассуротга кўмиб ташлаган эди. Ё астағфуруллоҳ, инсоннинг инсонга зуғуми ҳам шунчалар шафқатсиз бўладими?

Зўр қўшнининг ожиз қўшнига зуғуми. Дарвозани тўрт метр кўчага чиқариб юборгансан, деб уни ва деворни буздирди. Суд дарвозага қўшиб унинг ўғли яшаётган уйни ҳам бузишга қарор чиқарди. Суд ижрочилари эса мардикор опкелиб уйни буздираётганда, ўсмир ўғли «бузмайсанлар» деб деворнинг остига ўтириб олди. Ижрочилар «ўз вазифасини бажариб», «бузларинг», дейишди. Шунда девор ўсмирнинг устига қулади-ю, унинг умуртқа поғонаси синди, умрбод ногирон бўлиб қолди. Зуғум тугамади, қўшни хотин томонидан қўшнининг уйига тош отиб дераза синдиришлар давом этди. Бунга чидамаган бошқа ўғил ўша тошни олиб аёлга отди, миясига текканмиш, касалхонага ётиб олди, яна суд, буниси — учинчи ўғил узоқ муддатга қамалди. Унгача бошқа ўғли ўғирликда айбланиб қамалган эди.

Зуғум давом этди: Турсунбой ака бузилган кўча деворни тиклаш учун олиб келган хом ғиштларни ёмғирдан сақлаш мақсадида ёпқич ёпиб қўйган эди. Қўшни чиқиб, уни очиб ташлаётганида, бошқа қўшнилар гувоҳлигида далолатнома тузди. Ниҳоят, бу кўргиликларга зўрға чидаб юрган хотини — барваста ва соғлом аёл, жигари хун она эртага ўтказмоқчи бўлган «гап»и учун бозор-ўчар қилиб келди-да, уйнинг зинасида нафас ростлагани ўтирганича... қайтиб турмади, бу фоний дунё билан мангу хайрлашди.

Ёзнинг дим номозшоми бўға бошлаганини базўр англадим-у, шу заҳоти унутдим. Турсунбой ака — олтмишларга яқинлашиб қолган ишчи одам ҳикоясини якунларкан, охирги ҳужжатни — суднинг уйни бузиш ҳақидаги икки йил аввалги қарори ноқонуний-лиги тўғрисида янги суд қарорини кўрсатганида... «дод» деб юборай дедим. Агар буни хоҳласам ҳам, ҳозир овозим чиқмаслигини ҳис қилдим, карахт миям эзиб турган зил-замбил вужудимда сезги тугаётгандек эди. Осмондаги илиқ булут остида зимистон кечани ёритиб турган нурсиз лампочка ёруғида соатга қарадим.

— Сўққабош бир ўзим ётаман шу уйда, жой бемалол, қолаверинглар, — деди Турсунбой ака ҳамроҳим икковимизга. — Шу пайтда меҳмонхона қидириб юрасизларми? Қолсанглар, менга ҳам яхши бўларди, хотиржамроқ ухлардим. Ҳар куни «тиқ» этган шарпадан жон ҳалак, қандай ухлаганимни ҳам билмайман — у дарвозаю девори йўқ томонга — кўчага қараб қўйди. — Икки ўғил қамоқда, бири касалхонада, хотин ҳам ташлаб кетворди, бир ўзим қолдим...

Ё тавба!

Одамнинг одамга зуғуми шунчалар ҳам беаёв бўладими!?

Инсоннинг психологияси-руҳияти одамзод яралгандан бери охиригача ечилмаган жумбоқ бўлиб келган, келмоқда, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Шунинг учун бу воқеа иштирокчиларига нисбатан меҳр-мурувват, оқибат ҳақида ваъз айтишдан тийилмоқчимиз. Масаланинг бошқа — ҳуқуқий, қонуний томонлари ҳақида гаплашайлик. Чунки биз одамлар ўртасидаги низоларни қабила бошлиқлари ҳал қиладиган ўрта асрда эмас, уриш-жанжалларни қози муҳокама қиладиган ўтган асрларда эмас, ҳуқуқий-демократик жамият қураётган дунёвий бир давлат бағрида яшаяпмиз. Бугун дунёдаги ривожланган мамлакатлар ҳам тан олган ва улар баъзан кўҳна маданияту одоб-ахлоқни биздан ўрганаётган мамлакатнинг халқимиз.

Қолаверса, аввало, бу воқеа замирида жуда қизиқ бир ҳолат бор: қарорни суд чиқарармиш-да, айбдор бошқалар бўлармиш. Шундай бўлди ҳам. Бошқа суд БТИдан ва архитектура бошқармаси назоратчиси Мамасоли Алимовдан моддий ва маънавий зарар ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариб берди. Ана ўшалар айбдор эмиш — ўшалар судни, судьяларни чалғитишибди, нотўғри ҳужжатлар тақдим қилишибди.

Қизиқ, Турсунбой аканинг «Уй қонуний қурилган, мана ҳужжатлари» деб судда дод-вой қилишига қулоқ солмай, ўзига маъқул ва манзур қарорни чиқарган судья Р. Носирова ва уни «тўғри» деб тасдиқлаб берган апелляция суди раиси Х. Нуриддинов рост билан ёлғонни ажратолмаган бўлсалар, тақдим этилган ҳужжатларга тузукроқ қарашга эринибми, бошқа сабабми, уйни бузишга фатво бериб юборган бўлсалар-у, айбдор бошқа чиқса?

Шу ўринда Турсунбой Абдурасуловнинг «Халқ сўзи»га 2004 йилнинг 24 мартида ёзган хати билан танишинг: «Мен, Андижон шаҳар, «Шаҳрихон» кўчаси, 260-уйда яшовчи афғон уруши қатнашчиси Абдурасулов Турсунбой. Миллатим ўзбек, судланмаганман. 4 нафар фарзандим ва 7 нафар набирам бор.

Жаноблар! Шаҳар прокурорининг қўшним М. Эргашеванинг иғво хати билан Андижон шаҳар судига чиқарилган даъво аризаси туфайли менинг уйим вайрон этилди. Бола-чақам кўчада қолди. Даъво аризасида Аҳмаджонов гўё давлат манфаатларини кўзлайди. Лекин Андижон шаҳар кўчалари, «дом»лари олдига қурилган қурилмалар унинг кўзига кўринмайди. Менинг уйим кўринади. Судга даъво аризаси қилинади. Натижада бола-чақаларим яшаб турган уйим бузилади, вайрон қилинади. «Дод» деб қаерга боришни билмай қолдим. Ариза қилишни бошладим. Моддий ва маънавий йўқотишлар ичида қолдим. Охир-оқибат менинг ишим Фарғона вилоят судида судья Х. М. Нуриддинов раислигида 2003 йил 6 октябрда кўриб чиқилди. Суд шундай ажрим қилди:

«Фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судининг 05.03.2001 йилда даъвогар Андижон шаҳар прокурорининг жавобгар Абдурасулов Турсунбойга нисбатан «Ўзбошимчалик билан қурилган қурилмаларни бузиш ҳақида»ги 2/1530-182-сонли фуқаролик иши юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарори қисман, 23.03.2002 йилдаги ажрими тўлиқ бекор қилиниб, янги ҳал қилув қарори билан даъвони Андижон шаҳар, «Шаҳрихон» кўчаси, 260-уй-жойдаги қонунсиз қурилган 12.06х4.70 метр ўлчамли В-литердаги уйни жавобгарни ҳисобидан бузиш ҳақидаги талаби асоссиз бўлгани учун рад этилсин».

Хўш, энди нима бўлди, Аҳмаджонов жаноблари?! Қонунни ҳимоя қилаётган валломатлар! Мени кўчама-кўча югуртирган, моддий ва маънавий зарарлар ботқоғига ботқизган, уйимни бузди-рган, бола-чақамни кўчада қолдирган зўрлар! Бўлар иш бўлди...

Мен туҳматдан жазоландим, азият чекдим. Мен биров жазолансин, демайман. Жабр кўрсин, демайман. Фақат уйимни ким бўлса-да, ўз ҳолига келтириб беришларини сиз, муҳтарам зотлардан сўрайман. Майли, маънавий зарарлар бир гап бўлар».

Хат шу. Рости, буни хатлар бўлимидан беришганида, уни дастлаб ўқиб, негадир, ортиқча аҳамият ҳам бермадим. Андижонда бу манзилни почтадан суриштириб, хонадонни қидириб топдик. Хат муаллифи уйида йўқ, қай-

Адолат учун курашчи эди

(Давоми. Боши 1-бетда).

Папанинг вафоти муносабати билан Италияда уч кунлик мотам эълон қилинган. Иоаан Павел II билан хайрлашув маросимининг дастлабки кунида Италия Республикаси Президенти Чампи, Бош вазир Берлускони, ҳукумат аъзолари, Ватиканда фаолият юритаётган элчилар иштирок этди.

Ватикан етакчисининг асл исм-шарифи Кароль Войтила бўлиб, у 1920 йил 18 май куни Польшанинг Краков шаҳри яқинидаги Вадовица шаҳарчасида таваллуд топган. Войтила ёшлигидан иқтидорли бола эди. Фашистлар Польшага бостириб кирганда Кароль Войтила Краков (Ягеллан) университетида ўқирди. Уни немислар кимё комбинатига ишга юборади. Худди шу пайтда у Краков кардинали Адам Сапеха ташкил этган яширинча семинарийга қатнай бошлайди.

Урушдан сўнг Войтила диний билимларини мустаҳкамлаш учун хорижга ўқишга жўнайди. Орадан икки йил ўтгач, 1948 йилда ватанига қайтади. Аммо бу пайтда мамлакатда вазият ўзгарган, коммунистик ҳукумат динга қарши кураш бошлаган эди.

Сафдошларининг гапларига қараганда, шундай шароитда ҳам у тушкунликка тушмаган. "Войтила қувноқ йигит эди. У яхшигина қўшиқ ҳам айтарди. Доимо бировларга ёрдам беришга, ўзгаларнинг мушкулини енгиллаштиришга шошиларди" дея эслайди дўсти Галина Лихтарович.

Кароль Войтила 1958 йилда епископ, 1964 йилда архиепископ, 1967 йилдан бошлаб эса Краков кардинали бўлди. У бутун умри давомида коммунистик ва фашистик ғояларга қарши кураш олиб борди.

1978 йил 16 октябрь куни Войтила Рим папаси этиб сайланди. Сўнгги 500 йил давомида бу лавозимга фақат италияликлар сайланиб келарди. Кароль Войтила шу анъанани буза олди.

Рим папаси этиб сайлангач, у 1979 йилда Польшага келади. Шунда Варшавадаги Галаба майдонида ўтказилган ибодат маросимига бир миллион одам йиғилади.

Иоаан Павел II даврида католик черкови дунёга юз тутди, бошқа динлар ва конфессиялар билан очиқ мулоқот олиб борди. Бу эса халқларни, миллатларни, динларни яқинлаштирди. Папа мачит ва синагогага ташриф буюриш орқали ўзга давлатга йўл очган биринчи понтифик бўлди. У папа бўлгач, қанча ислоҳотлар қилмасин, католиклар ғояларининг энг муҳим жиҳатларини ўзгартишсиз қолдирди. Яъни оиланинг бузилишига, аёллар ҳомиласининг олдириб ташланишига, бир жинсли одамлар ўртасидаги никоҳга қарши аёвсиз кураш эълон қилди.

Рим папасининг ўлими барчани бирдек қайғуга солди. Давлатлар ва мамлакатлар раҳбарлари ўз таъзияларини билдира бошлади. Жумладан, АҚШ Президенти Жорж Буш шундай деди: "Католик черкови ўзининг етакчи руҳонийсини йўқотди. Дунё эса инсон эркинлиги химоячисидан айрилди..." Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр папага шундай таъриф беради: "У улуғвор ишонч, қудрат ва жасурлик тимсоли эди. Ўзининг ҳаёт йўли давомида ҳар доим ижтимоий адолат учун курашиб, камситилганлар тарафида турди."

Бугун папанинг бешинчи китоби нашрдан чиқади. "Хотира ва аслият" деб номланган мазкур китобда у биринчи марта бундан 24 йил олдин ўзига қилинган суиқасд ҳақида ёзган. Шу ерда яна бир нарсани таъкидлаш жоиз. Суиқасдни амалга оширган ва умр бўйи қамоқ жазосига ҳукм этилган Али Ағжа ҳам папани дафн этиш маросимида иштирок этиш истагини билдирди. У Туркия полицияси ва ташқи ишлар вазирлигига мурожаат қилиб, Ватиканга боришга ижозат беришларини сўради.

Мутахассисларнинг қайд этишича, китобда, шунингдек, папа Европадаги коммунизм ва фашизм зулми ҳақида ёзган. Бундан ташқари, бугун дунё хавфсизлигига раҳна солаётган терроризм масалаларига алоҳида урғу берган. 2001 йилнинг 11 сентябрида Нью-Йоркда содир этилган мудҳиш воқеалар ҳақида фикр юритган.

2000 йилларни 20-23 ноябрь кунлари Президентимиз Ислом Каримов Италияга қилган расмий ташрифи чоғида Ватиканга борган ва Иоаан Павел II билан учрашган эди. Суҳбат давомида папа Яратгандан Ўзбекистон халқига тинчлик, тотувлик ва фаровонлик сўрашини билдирганди. Биз ҳам ўз навбатида папанинг руҳи шод бўлишини тилаб қоламиз.

Беккул ЭГАМҚУЛОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

БАҲОР БАЙРАМИ — НАВРЎЗ КУНЛАРИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

жисмоний шахсларга омонатларнинг қуйидаги янги турларини таклиф этади:

"ЁШЛИК" (сақлаш муддати — 1 йил) — йилига **27,2%**

- 18 дан 35 ёшгача бўлган шахслар номига очилади;
- ойлик бадаллар мунтазам равишда келиб тушган тақдирда омонат муддати тугаганидан сўнг мукофот ҳисоблаб ёзилади;

дастлабки бадал	50 000 сўм	100 000 сўм	150 000 сўм
кейинги ойлик бадаллар	50 000 сўм	100 000 сўм	150 000 сўм
мукофотни ҳисоблаб ёзиш	10 000 сўм	20 000 сўм	30 000 сўм

"ОМОНЛИК" (сақлаш муддати — 6 ой) — йилига **30,4%**

- дастлабки бадал суммаси 50 000 сўм
- ҳисобварақ очилаётган пайтда фоизларни олдиндан олиш мумкин

шунингдек, қуйидаги омонатларга пул маблағларини қабул қилиш давом эттирилмоқда:

"ТАЪТИЛ" (сақлаш муддати — 3 ой) — йилига 28,8%
"КЕЛАЖАК" (сақлаш муддати — 5 йил) — йилига 32%
"СЎМ КАРТОЧКАСИ" (талаб қилиб олингунча) — йилига 24%
(2005 йил 20.04дан бошлаб омонат бўйича — йилига 16%), талаб қилиб олинмаган фоизлар капиталлаштирилади.

Ўз омонатларини бошқаришни бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!

NBU
www.nbu.com

Қўшимча маълумотларни 135-42-83, 134-14-14 рақамли телефонлар орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин.

Ташкилот ва фирмалар раҳбарлари диққатига !

«ОЛМАЛИҚ ТОҒ-КОН МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ» ОАЖ

ТУ 14-7-115-89 га мувофиқ КМ1 ва КМ2 маркадаги кокс кукунини сотиб олишга очиқ тендер савдолари эълон қилади.

Тендер савдоларини ўтказиш бўйича ишчи орган сифатида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги қошидаги «Ўзбектендерконсалтинг» агентлиги белгиланган.

Тендер савдоларида қатнашиш учун кўрсатилган шартларни бажарган ишлаб чиқарувчи корхоналар ва/ёки дистрибьютор ва дилерлари, маҳаллий ва хорижий ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.

Тендер савдоларида қуйидаги ташкилотлар иштирок эта олмайдилар:

- *қайта тузилиш, тугатилиш ва банкрот ҳолатларида турган;*
- *илгари тузилган шартномалар юзасидан ўз мажбуриятларини керакли ҳолда бажармаган;*
- *тендер эълон қилингунга қадар тузилганига 6 ой тўлмаган;*
- *буюртмачи билан судланиш ёки арбитраж кўриб чиқиш ҳолатидагилар;*
- *тижорат ва молиявий кўрсаткичлари тендер комиссияси талабларига жавоб бермайдиган.*

Тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги муддати — 2005 йил 5 май Тошкент вақти билан соат 15.00 гача.

Тендер савдолари ўтказиш тартиби бўйича қўшимча маълумотларни олиш учун даъвогарлар ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача (шанба ва якшанбадан ташқари) тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги кунига қадар «Ўзбектендерконсалтинг» агентлиги жойлашган қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Буюк Ипак йўли» к., 75-уй. Тел.: 68-75-10, 68-25-51, 138-53-42. Факс: 68-75-96.

UCD Micros' O'quv Markazi

Boshlovchilar uchun "Kompyuterni ofisda ishlatish"



- *Microsoft Windows XP*
- *Word 2003*
- *Excel 2003*
- *Outlook Express 6.0*
- *Internet Explorer 6.0*

120-71-35, 132-07-14, 132-07-21

Товар сертификатланган

"ТЕХСЕЛЬСНАБ" МЧЖ

Тошкентдаги омборхонадан Россия Федерацияси заводларида ишлаб чиқарилган енгил ва юк автомобиллари ҳамда қишлоқ хўжалик техникалари шиналарини таклиф қилади.

Пул ўтказиш йўли билан ғалла ва пахтанинг 23210, 23220 транш лари ни ҳам қабул қилади.

Тошкент ш., Чилонзор-2, Гагарин кўч., 26-уй.
Тел.: 77 1210, 77 1451, 79 9468, 103 7234, 158 8575.

«Ўзбекфильм» ОАЖ

акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2005 йил 11 апрель куни соат 10.00да Тошкент шаҳри, «Чилонзор» кўчаси, 1-уйда жойлашган «Ўзбекфильм» ОАЖнинг катта залида бўлиб ўтишини маълум қилади.

Кун тартиби:

1. «Ўзбекфильм» ОАЖнинг 2004 йил молия-хўжалик фаолияти якунларини текшириш учун аудиторни тасдиқлаш.
2. «Ўзбекфильм» ОАЖнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш.

Кузатув кенгаши

Қўшимча маълумотларни 77-24-42 телефони орқали олишингиз мумкин.

ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!
ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ

АНДИЖОН ВИЛОЯТИНИНГ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ

қуйидаги иншоотларга нодавлат ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдолари эълон қилади:

1. **4Р -130 «Андижон шаҳар айланма автомобиль йўли»ни ПК 0+00дан «Андижон шаҳрига кириш автомобиль йўли»ни мукаммал таъмирлаш (4,7 км.).**
2. **4Р-130 «Андижон шаҳар айланма автомобиль йўли»ни 11,6 км.дан «Андижон шаҳрига кириш автомобиль йўли»ни мукаммал таъмирлаш (1,9 км.).**
3. **4Р-139 «Тошкент — Ўш — Шаҳрихон — Найнаво — Кува автомобиль йўли»ни 10 км. қисмидаги темир-бетон кўпригини мукаммал таъмирлаш (70,6 п.м).**

Буюртмачи — *«Андижонавтойўл» йўл қурилиш ҳудудий шўъба ташкилоти.*
(Андижон шаҳри, Шимолий саноат минтақаси, 12.
Тел.: 8-374-24-34-63, 24-24-70, факс: 24-32-23).
Мукаммал таъмирлаш ишларини молиялаштириш 2005 йил манзил рўйхатига асосан марказлашган капитал маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: *танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала-ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.*

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Андижон шаҳри, Б.Ҳакимов кўчаси, 14-«А» уй. Тел./факс: 24-72-79.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи - 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан 30 кун ўтганидан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

тузатилди, лекин бунгача бутун бир оила барбод бўлди

сидир ўртоғиникига кетган экан. Келини қўнғироқ қилган эди, 15-20 дақиқаларда велосипедда етиб келди. Водийликларга хос хушмуомала, эсли-хушли, бамаъни, ҳатто зиёлисифат бир одам. Умр бўйи таксичилик қилган, кейинги беш-олти йилдан бери заводда ишлаётганмиш. Жанжал дарвозадан чиққан. Ён қўшниси янги уй қурғач, унинг дарвозаси уч-тўрт метр ичкарида қолиб, дарвозага туташган қўшнининг уйи билан ўрталиқда бурчак ҳосил бўлиб қолган. Ўша «хунуклик»ни бартараф қилиш учун дарвоза кўча томонга тўрт метр кўчирилган. Бу дарвозанинг рўпарасида, кўчанинг нариги бетида бошқа қўшни М. Эргашеванинг томорқаси томондан кирадиган қўшимча дарвоза бор экан. Ўша дарвозадан катта машина кирганда, Турсунбой аканинг янги жойга кўчирилган дарвозаси халақит қилармиш. Бошқа «ҳалақит» йўқ: бу кўча шу ерда тугайди, уёғига одам ҳам, машина ҳам ўтмайди, боши берк кўча. Бузилган уй эса мутлақо ичкарида, Турсунбой аканинг эскидан отасидан қолган ҳовлида, 20-30 йил муқаддам қурилган, ҳужжатли, отаси уни Турсунбой акага хатлаб бергани ҳақида ҳам қонуний ҳужжат бор.

Нима бўлибди денг? М. Эргашева шаҳар прокурорига ариза ёзибди, прокуратура суриштирганми-йўқми, суриштирган бўлса, бутун бошли шаҳарда қонунчиликни, қонунийликни таъминлайдиган бош идоранинг масъул мансабдор одамлари нега бунақа йўл тутган — фақат ўзларига аён, шаҳар судига «ўзбошимчалик билан қурилган дарвоза билан... уйини ҳам бузиш» тўғрисида даъво аризаси киритган. Бунинг остида шаҳар прокурори О. Аҳмаджоновнинг фамилияси ёзилган, «прокурори» сўзининг давомига сиёҳда ёзилган «ў.б» ва имзо унинг биринчи ўринбосари Азизбек Маматхўжаевга тааллуқли, дейишади. Биламиз, прокурор мустақил, суд мустақил, улар фақат қонунга бўйсунадилар. Қонунда шундай. Амалда-чи? Прокурорнинг даъвосини рад этадиган судьяда юрак... отнинг калласидай бўлиши керак. Фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судининг судьяси Р. Носирова ҳам шу мантиқдан келиб чиққанми, ё ўзининг малакаси сустлик қилганми, ҳайтовур, 2001 йил 5 мартда дарвоза ва деворни, унга қўшиб уйни ҳам бузиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди. Кейинги бўлажак фожиавий воқеаларнинг илдизига прокурор ўғит кўмган бўлса, суд қарори уни гуркуратиб ундиргандек бўлди. У ёғи — юқорида баён қилинганлар.

Бир ҳолатни яна такрорлаймиз. Сабаби — жуда «характерли» ҳолат. Фарғона вилояти фуқаролик ишлари бўйича суди судлов ҳайъатининг апелляция тартибидаги суд мажлиси 2001 йил 10 июлда чиқарган ажрим бўйича Андижон туманлараро судининг юқоридаги ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилди. Апелляция шикояти рад этилди. Бу суд мажлисига Х. М. Нуриддинов раислик қилган. Айнан шу фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилояти суди судлов ҳайъатининг 2003 йил 6 октябрда бўлиб ўтган апелляция тартибидаги мажлиси айнан Андижон туманлараро судининг ўша 2001 йил 5 мартдаги «машъум» ҳал қилув қарорини қисман, 23.03.2002 йилдаги ажримни тўлиқ бекор қилиб, янги ҳал қилув қарори билан даъвони ўша уйни бузиш талаби асоссиз бўлгани учун рад этмоқда.

Бу суд мажлисига ҳам муҳтарам судья Х. М. Нуриддинов раислик қилганлар. Энди, айтингчи, жаноб судья Нуриддинов, ажримингизнинг қайси бири тўғри, шахсан ўзингиз қайси бирига ишонасиз? Орадан ўтган икки йил ичида, Олий суд аралашувидан кейин, иш бўйича ҳеч қанақа ҳолат ўзгармаган бўлса-да, сизнинг фикрингиз, малакангиз 180 даражага — қарама-қарши томонга ўзгарибди. Буни қандай изоҳлаш мумкин? Агар эрта-индин мабодо бу ишга прокуратура протест келтирса, яна бунга тескари — 2001 йилдагига ўхшаган ажримга имзо чекиб юборавермайсизми?

Ҳозирга келиб, судларнинг газетани судга бериши ҳам таомил тусига кираяпти. Қолаверса, қонун устувор бўлган жамиятнинг оддий талаби бу. Шунинг учун юқоридаги сатрларни ёзаётиб, унда шахснинг шаънига тегадиган ҳеч қанақа ҳақорат ё камситиш йўқлигини, судьянинг ўзи йўл қўйган «яланғоч фактлар»гина ёзилганини яна бир назардан ўтказиб қўйдим.

Бу ёғи, Х. Нуриддинов ҳозир лавозими бўйича кўтарилган — фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилояти суди раисининг ўринбосари эканлар...

Табиийки, шунча воқеадан кейин Турсунбой ака ҳам биратўла икки хонадонга тегишли улкан майдонни эгаллаб, девор билан ўраб, қўшимча дарвоза ҳам қуриб олган қўшнисининг ишларини ўша — шаҳар прокуратурасига ёзди. Ўша прокуратурадан 2002 йил 30 июнда келган жавобда, жумладан, шундай дейилади: «...фойдаланиш учун рухсат этилмаган 447 квадрат метр ер майдонига 2 хонали яшаш жойи ва қўшимча қурилмалар қуриб олганлиги ҳақида ёзган аризангиз юзасидан текшириш ўтказилди. ...А. Якубовга режада кўрсатилган 3-рақамли коттеж ўрни 1992 йил 15 июндаги 7-сонли ширкат протоколига асосан, 1-сонли коттеж сифатида берилган ҳамда 2-сонли коттеж эса 1994 йил 12 сентябрдаги ширкат қарорига асосан, М. Эргашевага расмийлаштирилган. Юқоридаги ҳужжатларга асосан, фуқаро М. Эргашева томонидан эгалланиб, қўрғон девор билан ўраб олинган 447 квадрат ер майдони А. Якубовга тегишли 1-сонли коттеж ўрни бўлганлиги ва улар ўртасида ушбу масалада низо мавжуд бўлмаганлиги учун қонунбузилиш ҳолатлари аниқланмади ва сизнинг аризангиз юзасидан текшириш ишлари тугатилганини маълум қиламан.

Андижон шаҳар прокурори ўринбосари М. ҚУРБОНОВ».

А. Якубов — М. Эргашеванинг турмуш ўртоғи. Демак, бир оиладан эр-хотин алоҳида-алоҳида коттеж олиб, бирлаштириб яшайверсалар, бунда қонунбузилиш ҳолати йўқ, аниқроғи — топилмайди, чунки ахтарилмайди. Турсунбой ака дарвозасини ҳеч бир кимсага ҳалақит қилмайдиган тарзда кўчанинг бурчагини бекитиш учун тўрт қадам суриб қўйса — «давлат манфаатларини кўзлаб» судга даъво аризаси киритилади ва дарвозага қўшиб 20 йил олдин қурган уйи ҳам бузиб ташланаверади. Бунга «қонун» топилади. Қонунни бузиб бўлса ҳам, топилади.

Демак, Турсунбой аканинг тинчгина дарвозаси масаласи судда кўрилади, бузиб ташланади. Қўшни томонидан Абдурасуловларга нисбатан безориликлар, тош отиб дераза синдиришлар, гарчи бу фактлар бўйича бир неча марта участка милиция инспекторлари иштирокида далолатнома тузилган бўлса-да, маҳалла муҳокамасига юборилади...

«Нега?» деб хуноб бўлиб кетдингиз-а, азиз газетхон? Негаки, А. Якубов вилоят ички ишлар бошқармасида масъул лавозимда хизмат қилади. Турмуш ўртоғи М. Эргашева эса кўп йиллар вилоят ҳокимлигида масъул лавозимда ишлаган, ҳозир назоратчи-тафтиш бошқармасида ҳуқуқшунос вазифасида ишлайди.

Ниҳоят, сўнгги суд ҳужжати: 2004 йил 19 май куни фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро суди Андижон вилояти БТИсидан ва вилоят давлат архитектура ва қурилиш назорат инспекцияси мутахассиси Алимов Мамасолидан солидар тартибда даъвогар Абдурасулов Турсунбойнинг фойдасига моддий зарар учун 2.100.622 сўм ва маънавий зарар учун 200.000 сўм, жами 2.300.622 сўм ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди. Яъни, бузишга прокурор ҳам, судья ҳам эмас, шулар айбдор эмиш.

...Дарвозани, деворни, уйни бузиш суднинг тезлови билан ижрочилар томонидан зудлик билан ижро этилган эди, бу қарорнинг ижроси эса... суст!

Қолаверса, 2 миллион сўмга девор билан дарвозани тиклар, тежаса, уйнинг пойдевори учун цемент ҳам сотиб олар. Бузилган уйни, Турсунбой ака илтижо қилаётганидек, ким қуриб беради? Ким?

Бузғанлар кимлар ўзи?

Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ,
«Халқ сўзи»нинг ҳуқуқий масалалар бўйича шарҳловчиси.

P.S. ***Бу хат изидан Андижонга борганимизда, нариги томон ёзган апелляция шикояти бўйича ҳали суд бўлмаган экан. Кутдик. Ниҳоят, апелляция суди ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирибди.***

АБДУРАҲМОН ХУСУСИЙ ШИФОХОНАСИ
Хизматлар рўйхатга олинган.

ТОМОҚ, ҚУЛОҚ, БУРУН СОҲАСИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ КАСАЛЛИКЛАРНИ САМАРАЛИ ДАВОЛАЙДИ:

- Гайморит ва фронтитни пункциясиз даволаш;
- Аллергик вазомотор ринитлар, бурундан ва димоғдан нохуш ҳид келишини;
- Қулоқнинг йирингли ва йирингсиз яллиғланишларини;
- Қулоқдаги шовқин, эшитишнинг заифлашуви ва қулоқдаги замбуруғли яллиғланиш/отомикоз/;
- Болаларда ва катталарда ларингитнинг қайталаниши, овознинг бўғилиши, сабабсиз йўтал ва томоқдаги ёт жисмнинг сезилиши;
- Сурункали тонзилитларни ва фарингитларни катталарда ҳамда болаларда операциясиз даволаш, тонзилэктомиядан кейинги томоқдаги оғриқларни.

ҚАБУЛ ВАҚТИ — 9.00дан 20.00гача.

Манзил: Тошкент ш., Чилонзор массиви 17, 32 а-уй. Телефонлар: 116-88-02, 76-00-85.
Мўлжал: «Чилонзор» метро бекати ва «Совпластитал» дўкони.

РОССИЯДАН КЕЛТИРИЛГАН
ЛИНОЛЕУМЛАРНИ
ТЎШАШ ВАҚТИ КЕЛДИ.

Улгуржи нархлар. Ҳар доим Тошкентдаги омбордан.



Автомобиллар ва ишлаб чиқариш хоналари учун емирилишга чидамли ТРАНСЛИН қопламаси.

Товар сертификатланган

Тезроқ, баландроқ, кучлироқ

Мамлакатни жаҳонга танитишда спортнинг ўрни алоҳидалиги ҳеч кимга сир эмас. Шу боис юртимизда жисмоний тарбия ва спортга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Истиқлол йилларида Ўзбекистон спорти тарихида салмоқли ютуқларга эришилди. Юртбошимиз ташаббуси билан ёшларни узлуксиз спортга жалб этиш мақсадида яратилган уч бўғинли — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" мусобақалари дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилмоқда. Олимпиада ўйинларида совринли ўринларни қўлга киритиб, юртимиз шарафини улуғлаётган спортчиларга махсус мукофотлаш фонди ташкил этилган. Мамлакатимизнинг турли чеккаларида юзлаб замонавий спорт иншоотлари қад ростлади. Ўзбекистон нуфузли спорт мусобақаларига мезбонлик қиладиган мамлакатлар қаторидан жой олди.

МАҲАЛЛАДАН - ОЛИМП ЧЎҚҚИСИ САРИ

Агар спортчиларнинг дунёдаги энг нуфузли мусобақа — ёзги Олимпиададаги иштирокига эътибор берадиган бўлсак, ҳамюртларимиз мустақил жамоа сифатида биринчи марта "Атланта — 1996"да спортнинг ўн уч тури бўйича қатнашиб, 197 та давлат орасида 58-ўринни эгаллашган. Тўрт йилдан сўнг Сиднейда ўтказилган Олимпиада ўйинларида умумжамоа ҳисобида 41-ўринга кўтарилишди. Бокс бўйича Муҳаммадқодир Абдуллаев олтин, Сергей Михайлов ва Рустам Саидовлар бронза медалларини қўлга киритишди. Эркин курашчи Артур Таймазов кумуш медаль соҳиби бўлди. "Афина — 2004" Олимпиадасида спортчиларимиз муваффақияти янада салмоқли бўлди. Эркин курашчилардан — Артур Таймазов олтин, Магомед Ибрагимов кумуш, юнон-рум курашчи Александр Доктуришвили олтин, боксчиларимиз Ўткирбек Ҳайдаров ва Баҳодир Султоновлар бронза медалларига сазовор бўлдилар. 202 та давлат ичида мамлакатимиз терма жамоаси 34-ўриндан жой олди. Бу спортчиларимизнинг имкониятлари йилдан-йилга ошиб бораётганлигини кўрсатади.

Тўғри, ютуқлар ҳақида гапиришни ҳамиша хуш кўрамиз. Аммо бу ғалабалар қайси спорт турлари ҳисобига қўлга киритилаяпти? Вакилларимизнинг сўнгги уч Олимпиададаги иштирокини сарҳисоб қиладиган бўлсак, совриндорлар орасида фақат тўрт спорт тури вакилларинигина кўриш мумкин. Хусусан, боксчилар олтита, дзюдочилар битта, эркин курашчилар учта ва юнон-рум курашчиларимиз битта медаль соҳиби бўлишган. Қолган спорт турлари бўйича қатнашган ҳамюртларимиз эришган натижалар билан мақтана олмаймиз.

— Халқаро спорт федерацияларининг Бош Ассамблеяси (GAISF) томонидан дунёдаги 90 га яқин спорт тури тан олинган, — дейди Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Олимпия ва спорт заҳиралари бошқармаси бошлиғи Рашид Маткаримов. — Қувончлиси, тан олинган спорт турлари қаторида миллатимиз фахрига айланган ўзбек кураши ҳам бор. Вазирликнинг ўтган йилги тақвим режасига 62 та спорт тури киритилганди. Шуларнинг 34 таси ёзги Олимпиада, 3 таси қишки Олимпиада ўйинлари дастуридан жой олган. Шунингдек, 4 та миллий спорт тури ва 19 Олимпиада дастурига киритилмаган спорт турлари ривожига ҳам алоҳида эътибор бериб келинаётир. Ушбу спорт турларидан республика мусобақалари, ўқув-машғулот йиғинлари ва халқаро мусобақаларда қатнашиш давлат бюджети томонидан молиялаштирилган. Мамлакатимизда 504 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мавжуд бўлиб, уларда минглаб болалар машғулотларда қатнашаяптилар. Улар орасидан келгуси Олимпиада ўйинларида юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган спортчилар тайёрланади. Бугун Ўзбекистонда бокс, эркин ва юнон-рум кураши, дзюдо, оғир атлетика бошқа спорт турларига қараганда анча ривожланган. Энди вакилларимизнинг энг нуфузли мусобақа — Олимпиада ўйинларидаги иштирокини таҳлил қиладиган бўлсак, унда машғулотларни махсус дастур асосида амалга оширган, ўз ишига масъулият билан ёндашган, халқаро спорт ташкилотлари билан алоқаларни яхши йўлга қўйган федерацияларгина юқори натижаларга эришдилар.

Олимпиада ўйинларида энг яхши натижаларга эришиб келаётган Хитой, Россия ва Австралия тажрибасидан шу нарса маълумки, мазкур давлатларда спортга илмий жиҳатдан ҳам ёндашилади. Бу дегани — ҳар бир спортчининг ҳолати кунма-кун таҳлил қилиб борилади. Биз ана шуларни ҳисобга олиб, бўлажак Олимпиада — "Пекин — 2008" га тайёргарлик ишларини янги талаблар асосида бошлаб юбордик. Биринчи эътиборимизни мураббийлар малакасини оширишга қаратганмиз. Бундан буён терма жамоалар билан ишлашда илмий-методик тавсиялардан кенг фойдаланишни йўлга қўймоқчимиз. Юқори малакали халқаро мураббийларни юртимизга таклиф этиб, семинарлар уюштиришни режалаштирганмиз. Мамлакатимиз спортчиларининг малакасини ошириб бориш учун жорий йилда Тошкентда бир қанча йирик мусобақалар ўтказилади. 12-13 март кунлари пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида эркин кураш бўйича жаҳон кубоги зўр муваффақият билан ўтди. Мусобақада АҚШ, Россия, Куба, Украина, Эрон сингари мамлакатларнинг энг кучли спортчилари ғолиблик учун гиламга чиқдилар. Бу мусобақа мамлакатимиз ёшлари учун тажриба вазифасини ўтади. Жорий йилда Тошкентда оғир атлетика ва дзюдо бўйича Осиё чемпионатлари ҳам бўлиб ўтади.

Миллий Олимпия қўмитаси томонидан спорт мураббийлари малакасини ошириш мақсадида апрелнинг бошида стол теннниси бўйича, сентябрь-октябрь ойларида эса синхрон сузиш ва оғир атлетика бўйича семинарлар уюштирилади. Уларда халқаро федерациялар вакиллари иштирок этади.

Яна бир гап. Олимпиада ўйинларида энг кўп медаллар енгил атлетикачиларга берилади. Ўтган йили Юртбошимиз ташаббуси билан Конституциямизнинг 12 йиллик тантаналари олдидан умуммамлакат марафони ташкил этилганди. Марафоннинг иккинчиси Наврўз байрамига бағишлаб уюштирилди. Умид қиламизки, аҳолини спортга оммавий жалб қилиш мақсадида ташкил этилган ушбу марафонлар етакчи спортчилар етишиб чиқиши йўлида хизмат қилади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Хитойнинг импорт ва экспорт корпорацияси «Chinatex» қуйидаги маҳсулотларни ишлаб чиқаради ва етказиб беради:

- аралаш газламалар, аралаш-трикотаж газламалар;
- пахтали трикотаж матолар;
- ҳарбий ва ишчи кийимлари тикиш учун мўлжалланган камуфляжли, плашли ва олов ўтказмайдиган матолар;
- ярим жун матолари;
- спорт кийимлари учун матолар;
- махсус қопламали, сув ўтказмайдиган ва намланмайдиган матолар;
- сунъий чармлар;
- сунъий жунлар;
- кўрпа-ёстиқ буюмлари;
- дастурхонлар, салфеткалар, сочиқлар;
- коврлар ва гилам маҳсулотлари;
- портьер ва пардалик матолар;
- аксессуарлар: тасмалар, иплар ва бошқалар;
- синтепон;
- жунли, акрил ва бошқа ип-калавалар.

Ушбу матолар Хитойдан ишлаб чиқарувчи фабрика нархида етказиб берилади.

Тўқимачилик маҳсулотларини импорт ва экспорт қилувчи «Chinatex» корпорациясининг Тошкентдаги ваколатхонасида тўқимачилик маҳсулотларининг 5 мингдан ортиқ турдаги намуналари мавжуд. Улар Марказий Осиё республикалари ва Россия ҳудудида намуналар сони кўплиги бўйича устун туради ва сифати жиҳатидан энг юқори кўрсаткичга эга.

«Chinatex» корпорациясининг Марказий Осиёдаги ваколатхонасининг манзили: Ўзбекистон Республикаси, 700031, Тошкент шаҳри, В.Воҳидов кўчаси, 104-уй. Телефонлар: (998 71) 152-62-61, 120-80-81/82/83. Факс: (998 71) 120-80-80. E-mail: tashkentzhang@mail.ru, (URL):http://www.chinatex.uz

Товар сертификатланган

4469/667

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

ўз маҳсулоти бўлган МАЗ русумли оғир юк автомобилларини, тиркагичларни, ярим тиркагичларни, автобусларни, махсус техникаларни (автокранлар, автоэкскаваторлар, автобетонқорғичлар...) ва уларнинг эҳтиёт қисмларини мижозларга етказиб бериш учун буюртмалар қабул қилади ва шартномалар тузади.

Лизингга ҳам!

Барча автотехникалар учун кафолат берилади.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O`zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

Манзил: 700005, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «8 Март» кўчаси, 57-уй. Телефонлар: 191-64-06, 191-68-94. E-mail: uzbekmaz@inbox.ru E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

Товар сертификатланган.

Нукус шаҳар ҳокимлигининг мажлислар залида 2005 йилнинг 28 апрель ва 5 май кунлари соат 12.00 да республика Кўчмас мулк биржасининг Нукус туманлараро филиали томонидан

«КАТЕКС» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ мулки «Кимошди» савдосига қўйилади.

Бир кеча-кундузда 8,6 тонна пахтани қайта ишлаш ва калава, трикотаж буюмлари, бинт ва турли хилдаги боғлов материалларини ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлган, технология ускуналари билан бино ва иншоотларни ўзида мужассамлаштирган ҳамда 29 га майдонни эгаллаган тўқимачилик мажмуасининг дастлабки нархи 2 150 767 600 сўмни ташкил этади.

«Кимошди» савдоларида қатнашиш тўғрисидаги аризалар якшанбадан бошқа ҳамма кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Нукус ш., Амир Темур кўчаси, 112-«А» уй, «Бизнес марказ» биноси, 4-қават, 410-хона. Телефон: (8-361) 22-00-84.

Аризалар қабули «Кимошди» савдоси бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Савдода иштирок этувчилар мулк дастлабки нархининг 10 фоизи миқдорида гаров суммасини республика Кўчмас мулк биржасининг Нукус туманлараро филиали МЧЖнинг «Тадбиркорбанк» Қорақалпоғистон бўлимидаги (Нукус ш.) 20210000504254546001-сонли ҳисобварағига қўйиши шарт, ФО 00584, СТИР 204486448.

Мулоқот учун телефонлар: (8-361) 136-15-28, 136-26-26.

«Парвона» ғолиб

— Марҳамат туманидаги «Парвона» халқ театри жамоаси республика Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг «Энг яхши халқ театри» йўналиши бўйича вилоятда ўтказилган танловида ғолиб чиқди, — деб хабар беради «Туркистон пресс» мухбири К. Низомов.

Театр жамоаси вазирликнинг махсус дипломини олишга муваффақ бўлди. Энди «Парвона» Тошкентда ўтказиладиган республика кўригида иштирок этади.

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига ! Товар сертификатланган

«ГАЗ-31105»

РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ КРЕДИТГА ВА ЛИЗИНГГА!

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗАВОДЛАР ДИЛЕРИ «ИЖМАШАВТО» ОАЖ, «ГАЗ» ОАЖ да ишлаб чиқарилган барча турдаги моделларига буюртмалар қабул қилади ва сотади.

«ИЖ-2717»,

«ВАЗ-2106»

Мулоқот учун телефонлар: Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62, 186-12-94.

«ГАЗЕЛЬ»

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН

автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқарилган кенг ассортиментдаги

ШИНАЛАРНИ

ROSAVA

DNEPROSHINA ДНЕПРОШИНА

ИСТОК

сотади:

«РОСАВА» ЁАЖ, Украина, Белая Церковь ш.;
«Днепрошина» ОАЖ, Украина, Днепропетровск ш.;
«Омскшина» ОАЖ, Россия, Омск ш.;
«Уралшина» ОАЖ, Россия, Екатеринбург ш..

ЕНГИЛ МАШИНАЛАР УЧУН, ЕНГИЛ ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ОҒИР ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ УЧУН

Тел.: (99871) 137-10-61, 137-20-76, 137-20-84, 334-64-21.

Шиналар буюртма бўйича 30-35 кунда Украина ва Россиядан вагонларда келтирилади.

Шунингдек, «ИСточник ТОка Курский» аккумулятор заводининг «Исток» аккумуляторлари (Россия, Курск шаҳри).

Улгуржи ва чакана савдо қилиш филиаллари манзиллари:
Наманган ш., «Дўстлик» шоҳкўчаси, 1-А уй. Тел.: (3692) 24-56-60.
Андижон ш., «Мирпўстин» к., 20-уй. Тел.: (3742) 24-04-88.
Данғара ш., «Тошкент» к., 74-уй. Тел.: (37357) 2-19-06.
Термиз ш., Ч.Сафаров к., 80-уй. Тел.: (37622) 2-45-85.

ТОВАРЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН. ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

383R/568

«ТРУБНАЯ МЕТАЛЛУРГИЧЕСКАЯ КОМПАНИЯ» (Российская Федерация) и

ОАО «УЗКОММУНМАШТАЪМИНОТ»

предлагают к реализации стальные трубы со склада в г.Ташкенте по нижеуказанным отпускным ценам.

Завод-изготовитель – «Северский трубный завод» (г.Полевской, Свердловская обл.)

Диаметры труб (мм)	Цена за 1 тонну сум. Цены действительны по 30.04.2005 г.

ТРУБЫ ВОДОГАЗОПРОВОДНЫЕ ГОСТ 3262-75:

ДУ 15х2,8 мм	944000	ДУ 32х3,2 мм	934000
ДУ 20х2,8 мм	944000	ДУ 40х3,0 мм	934000
ДУ 25х3,2 мм	944000	ДУ 100х4,0-5,0 мм	994000

ТРУБЫ ЭЛЕКТРОСВАРНЫЕ ГОСТ 10704-91; 10705-80:

108х3,0-4,5 мм	994000	159х5,0-6,0 мм	1199000
114х3,0-6,0 мм	994000		

Кроме того, под заказ поставляем металлические трубы любого диаметра и назначения с трубных заводов, входящих в состав «Трубной металлургической компании» (Россия):

- Волжский трубный завод (г.Волжский, Волгоградская область);
- Северский трубный завод (г.Полевской, Свердловская область);
- Синарский трубный завод (г.Каменск-Уральский, Свердловская область);
- Таганрогский металлургический завод (г.Таганрог, Ростовская область).

Контактные телефоны: 134-05-75, 134-07-94, факс 132-20-56. E-mail: uzkommashta@tkt.uz Адрес: 700035, г.Ташкент, ул.Ниёзбек йули, 1, 7-й этаж, здание института «Узбеккоммуналлойиха».

Товар сертифицирован, услуги лицензированы.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ахборот-ҳисоблаш маркази жамоаси ахборот тизимларини кузатиш ва тадбиқ этиш бўлимининг бошлиғи Муҳиддин Останақуловга волидаи муҳтарамаси

ФАРОҒАТ опанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги жамоаси агентликнинг Наманган вилояти бўйича мухбири

Иномжон УЛУҒБОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ДА «Ўзуйжойжамғармабанк» жамоаси банкнинг бош бухгалтери ўринбосари Ҳикмат Мирсобитовга падари бузруквори

Суннат ота МИРСОБИТОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Меҳнат, иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муаммоларини ўрганиш республика маркази жамоаси марказ бўлим мудири

Жалолиддин ХОЛИҚОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 361. 28631 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Х. Эшманов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 21.30 23456